ҚММБ: 09/21/683/1051-сон
16.11.2021 й.

# O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2021 yil «16» noyabr № 683 Toshkent sh.

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

**(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 2 июндаги ПФ–6240-сон ва “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 9 июндаги ПФ–6244-сон фармонлари)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2021 йил 2 июндаги ПФ–6240-сон ва “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 9 июндаги ПФ–6244-сон фармонларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** — **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI UMUMIY BO'LIM № 1

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ I6 ” ноябрдаги 683-сон қарорига
илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган мувофиқликни баҳолаш объектлари рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида” 2021 йил 30 январдаги 43-сон қарорида:

а) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

### Санитария-эпидемиологик хулоса мажбурий тартибда олиниши лозим бўлган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

### РЎЙХАТИ

| Т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 1. | Гўшт ва озиқ-овқат ҳолида истеъмол қилинадиган гўшт маҳсулотлари (ҳайвонот дунёсига тегишли бўлган калла-поча, ичак-човоқ ва ички аъзолари), шу жумладан, қадоқланган (фармацевтика соҳасида фойдаланиладиган ҳайвонот дунёсига тегишли бўлган ичак ва ички аъзо маҳсулотлари бундан истисно) | 0201 - 0210 (истисно: 0206 10 100 0, 0206 22 000 1, 0206 29 100 0, 0206 30 000 1, 0206 30 000 3, 0206 41 000 1, 0206 49 000 1, 0206 80 100 0, 0206 90 100 0) |
| 2. | Балиқ, қисқичбақасимонлар, моллюска ва бошқа сувда яшовчи умуртқасизлар | 0301 - 0308 (истисно: 0301 11 000 0 ва 0301 19 000 0) |
| 3. | Сут маҳсулотлари (истисно: хом ашё тариқасидаги сут); парранда тухуми (истисно: инкубацияланадиган тухум); табиий асал; келиб чиқиши ҳайвонот оламига мансуб бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари (фақат озиқ-овқат ҳолида истеъмол қилинадиган) | 0401 - 0406, 0407, 0408 (истисно: 0408 11 200 0, 0408 19 200 0, 0408 91 200 0, 0408 99 200 0), 0409 00 000 0, 0410 00000 0 |
| 4. | Ҳайвонот дунёсига тегишли бўлган маҳсулотларнинг (истисно: балиқ маҳсулотлари) бут ёки бўлакланган, янги, совутилган, музлатилган, тузланган, тузли сувга солинган, қуритилган ёки дудланган ичаклари, қопчалари ва ошқозонлари | 0504 00 000 0 |
| 5. | Сабзавот (уруғлик материалларидан ташқари) ва айрим озуқабоп илдизмевали ва тугунак мевали ўсимликлар | 0701 - 0714 (истисно: 0701 10 000 0, 0709 60 910 0, 0709 60 950 0, 0713 10 100 0, 0713 33 100 0) |
| 6. | Озиқ-овқат ҳолида истеъмол қилинадиган мевалар ва ёнғоқлар, цитрус мевалар пўстлари ёки қовуннинг пўчоқ ва илдизлари | 0801 - 0814 00 000 0 |
| 7. | Қахва, қуруқ чой ва хушбўй зираворлар | 0901 - 0910 |
| 8. | Дон маҳсулотлари (истисно: уруғлик материаллари) | 1001 - 1008 (истисно: 1008 30 000 0, 1001 11 000 0, 1001 91, 1002 10 000 0, 1003 10 000 0, 1004 10 000 0, 1005 10, 1006 10 100 0, 1007 10, 1008 10 000 1, 1008 21 000 0) |

ҚММБ: 09/21/683/1051-сон
16.11.2021 й.



| Т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 9. | Ун-ёрма маҳсулотлари; солод; крахмал; инулин; буғдой клейковинаси | 1101 00 - 1109 00 000 0 |
| 10. | Қовурилмаган ёки бошқа усулда қайта ишлов берилмаган, қобиқсизлантирилган ёки қобиқсизлантирилмаган, майдаланган ёки майдаланмаган ерёнғоқ (истисно: уруғлик материаллари) | 1202<br>(истисно: 1202 30 000 0) |
| 11. | Шарбатлар ва ўсимлик дунёсига тегишли бўлган экстрактлар; пектин моддалар, пектинат ва пектатлар; агар - агар ва ўсимлик дунёсига тегишли бўлган қуюқлаштиргичлар, кўриниши ўзгартирилган ёки ўзгартирилмаган | 1302 |
| 12. | Келиб чиқиши ҳайвонот дунёсига ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган мой ва ёғлар ҳамда уларнинг парчаланиши натижасида келиб чиққан маҳсулотлар; тайёрланган озиқ-овқат мойлари; ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган мумлар | 1501 – 1517 (истисно: 1501 10 100 0, 1501 20 100 0, 1502 10 100 0, 1502 90 100 0, 1503 00 110 0, 1503 00 300 0, 1507 10 100 0, 1507 90 100 0, 1508 10 100 0, 1508 90 100 0, 1511 10 100 0, 1511 90 910 0, 1512 11 100 0, 1512 19 100 0, 1512 21 100 0, 1512 29 100 0, 1513 11 100 0, 1513 19 300 0, 1513 21 100 0, 1513 29 300 0, 1514 11 100 0, 1514 19 100 0, 1514 91 100 0, 1514 99 100 0, 1515 19 100 0, 1515 21 100 0, 1515 29 100 0, 1515 50 110 0, 1515 50 910 0, 1515 90 210 0, 1515 90 310 0, 1515 90 400 0, 1515 90 600 0, 1516 20 950 0),<br>1518 00 910,<br>(истисно 1521 90 910 0, 1521 90 990 0) |
| 13. | Гўшт, балиқ ёки қисқичбақасимонлар, моллюскалар ёки бошқа сувда яшовчи умуртқасизлардан тайёрланган тайёр озиқ-овқат ҳолида истеъмол қилинадиган маҳсулотлари | 1601 00 - 1605 |
| 14. | Шакар ва шакар асосида тайёрланган қандолат маҳсулотлари | 1701 - 1704 |
| 15. | Какао ва какао асосида тайёрланган қандолат маҳсулотлари | 1801 00 000 0 - 1806 |
| 16. | Бошоқли ўсимлик дунёсига тегишли бўлган дон, ун, крахмал ёки сутли; унли қандолат маҳсулотлари | 1901 - 1905 |
| 17. | Сабзавот, мева, ёнғоқ ва ўсимликларнинг бошқа қисмларидан қайта ишланган маҳсулотлар | 2001 - 2009 |
| 18. | Турли озиқ-овқат маҳсулотлари | 2101 - 2106 |
| 19. | Спиртли ва спиртсиз ичимликлар ва сирка (уксус) | 2201 - 2209 00 |
| 20. | Аҳолига савдо тармоқлари орқали савдо қилинадиган умумий овқатланиш корхоналари томонидан тайёрланадиган озиқ - овқат, ошпазлик масаллиқлари ва ярим тайёр маҳсулотлар | Номи 0201 дан 2106 гача бўлган товар позицияларида келтирилган маҳсулотлардан тайёрланган |
| 21. | Тамаки ва саноат усулида тайёрланган тамакиинг ўрнини босувчи маҳсулотлар | 2401 - 2403 |
| 22. | Туз (фақат истеъмол қилинадиган туз учун) | 2501 00 911 0,<br>2501 00 919 0 |

ҚММБ: 09/21/683/1051-сон
16.11.2021 й.



*Изоҳ: Ушбу маҳсулотларни тайёрловчилар (ишлаб чиқарувчилар), етказиб берувчилар ва сотувчилар уларнинг техник регламентлар ва стандартлар билан белгиланган мажбурий талабларга мувофиқлигини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади.*

б) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тасдиқланиши мажбурий бўлган маҳсулотлар**

**РЎЙХАТИ**

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 1. | Алкоголь ичимликлари | 2203**-2208** |
| 2. | Тамаки ва саноат тамакининг ўрнини босувчи маҳсулотлар | 2401** - 2403** |
| 3. | Чақмоқтош, мармар, гранит, шағал, цемент, асбест | 2506 10 000 0*, 2508 10 000 0*, 2509 00 000 0*, 2512 00 000 0, 2515*, 2516*, 2517 10 100 0*, 2517 10 200 0*, 2520*, 2523, 2524*, 2526 20 000 0* |
| 4. | Минерал ёқилғи, нефть ва уларни ҳайдаш маҳсулотлари; битуминоз моддалар; минерал мумлар | 2701 - 2703 00 000 0, 2705 00 000 0, 2707, 2710 - 2712, 2714 10 000 0, 2715 00 000 0 |
| 5. | Госсипол смола | 2713 90 900 0 |
| 6. | Ўт ўчириш кукунлари (натрий бикарбонат асосидаги), озиқ-овқат содаси | 2836 30 000 0* |
| 7. | Ноциклик ва циклик углеодородлар (фақат ёқилғи сифатида ишлатиладиган маҳсулотлар учун) | 2901 - 2902 |
| 8. | Антибиотиклар, келиб чиқиши ўсимликларга тегишли бўлган сулфонамидлар, провитаминлар, витаминлар, гормонлар, гликозидлар ва алкалоидлар | 2935* - 2939*, 2941* |
| 9. | Фармацевтика маҳсулотлари (инсон ва ҳайвон организмидан олинган ва трансплантация учун мўлжалланган безлар ва органлардан ташқари) | 3001 - 3006 (3002 90 100 0, 3002 90 300 0, 3002 90 500 0, 3002 90 900 0, 3006 50 000 0, 3006 92 000 0 дан ташқари) |
| 10. | Ўғитлар | 3101 00 000 0*** - 3105*** |
| 11. | Бўёқлар ва локлар (фақат ўтдан сақлайдиганлар) | 3209 90 000 0* |
| 12. | Эфир мойлари ва резиноидлар; парфюмерия, косметик ёки пардоз-андоз воситалари | 3301 - 3307 |
| 13. | Совун, юзаки-фаол органик моддалар, ювиш воситалари, мойлаш материаллари, сунъий ва тайёр мумлар, тозалаш ёки сайқаллаш учун таркиблар, шамлар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, ясаш учун пасталар, пластилин, «тиш даволаш муми» ва гипс асосидаги тиш даволаш таркиблари | 3401** - 3407 00 000 0** |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 14. | Казеинлар, казеинатлар ва бошқа козеин ясамалари; альбуминлар, альбуминатлар ва бошқа альбумин ясамалари; желатин ва бошқа желатин ясамалари; пептонлар ва уларнинг ясамалари; оқсилли моддалари ва бошқа уларнинг ясамалари; декстринлар ва бошқа модификацияланган крахмаллар; ферментлар; ферментли препаратлар | 3501 10 900 0*, 3502 11 900 0*, 3502 19 900 0*, 3503 00 100*, 3504 00 *, 3505 10 900 0*, 3507* |
| 15. | Портловчи моддалар; зарбли ёки детонацияловчи пистонлар; пилталар; электрдетонаторлар; пиротехник маҳсулотлар; гугуртлар | 360100 000 0*, 3602 00 000 0*, 3604*, 3605 00 000 0 |
| 16. | Инсектицидлар, родентицидлар, фунгицидлар, гербицидлар | 3808 |
| 17. | Ўт ўчиргичлар учун таркиблар ва зарядлар | 3813 00 000 0* |
| 18. | Оловбардош цемент | 3816 00 000 0 |
| 19. | Гидравлик тормоз суюқлиги ва гидравлик узаткич учун бошқа тайёр суюқликлар, антифризлар ва музлашга қарши тайёр суюқликлар | 3819 00 000 0, 3820 00 000 0 |
| 20. | Пластмассадан маҳсулотлар (қувурлар, трубкалар, фитинглар, пол учун қопламалар, плиталар, листлар, плёнкалар, санитар-техник маҳсулотлар, озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турувчи қадоқ, озиқ-овқат маҳсулотлари учун емакхона ва ошхона идиш товоқлари) | 3917* - 3923 30 909 0*, 3923 50*, 3924 |
| 21. | Қувурлар, трубкалар, шланглар, шиналар ва пневматик покришкалар, резинали камералар, гигиеник ёки фармацевтик маҳсулотлар (шунингдек, сўрғичлар, жарроҳлик қўлқоплари), ҳовуз учун йўлакча; темир йўл ҳаракатдаги составининг пневматик тормозлаш тизимлари учун зичловчи резина маҳсулотлар (диафрагма, манжетлар, ёқалар, клапанларнинг зичлагичлари, қистирмалар, втулкалар) | 4009*, 4011*, 4013, 4014, 4015 11 000 0, 4016 91 000 0, 4016 93 000 8 |
| 22. | Йирик шохли қорамол (шунингдек, буйволлар) ёки отсимонлар оиласига кирувчи ҳайвонлар терисидан ошланган чарм ёки чарм красти, юнг қопламасисиз, қатланган ёки қатланмаган, лекин кейинги ишлов беришларсиз; қўй терилари ёки қўзичоқ териларидан олинган ошланган чарм ёки чарм красти, юнг қопламасисиз, қатланган ёки қатланмаган, лекин кейинги ишлов беришларсиз; бошқа ҳайвонлар терисидан олинган ошланган чарм ёки чарм краст, юнг ёки тук қопламасисиз, қатланган ёки қатланмаган, лекин кейинги ишлов беришларсиз; йирик шохли қорамол (шунингдек, буйволлар) ёки отсимонлар оиласига кирувчи ҳайвонлар териларидан ёки терининг қобиғи шаклида қўшимча равишда ишлов берилган теридан чарм красти, шу жумладан, пергамент остида ишлов берилган қорамол терисидан, юнг қопламасисиз, қатланган ёки қатланмаган; қўй терисидан ёки терининг қобиғи шаклида қўшимча равишда ишлов берилган чарм красти, шу жумладан, қўй | 4104 11 100 0** - 4114 20 000 0** |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| | терисидан ёки қўзиларнинг терисидан тайёрланган чарм, юнг қопламасисиз, қатланган ёки қатланмаган; теридан ёки терининг қобиғи шаклидаги қайта ишланган, шу жумладан, пергамент остида ишлов берилган бошқа ҳайвонларнинг терисидан чарм, юнг ёки тук қопламасисиз, қатланган ёки қатланмаган; замш (шунингдек, комбинацияланган замшлар); локли чарм ва ламинацияланган локли чарм; металлизация қилинган чарм; табиий чарм асосидаги композицион чарм ёки пластиналар, листлар ёки тасмалар, ёки ленталар, ўрамларда ёки ўрамларда бўлмаган чарм толалар | |
| 23. | Сафар сандиқлари, жамадонлар, пардоз-андоз воситалари ёки шахсий гигиена тўпламлари учун жамадонча, иш қоғозлари учун кейслар, портфеллар, мактаб сумкалари ва сафар халталари, кўзойнак, дурбинлар, фотоаппаратлар, мусиқа асбоблари, милтиқлар, тўппонча қини ва ўхшаш маҳсулотлар учун ғилофлар; сафар сумкалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ичимликлар учун термос-сумкалар, пардоз-андоз воситалари ёки шахсий гигиена тўпламлари учун сумкачалар, рюкзаклар, аёллар ва эркаклар сумкалари, хўжалик сумкалари, ҳамён, кармонлар, география харитаси,портсигарлар, тамаки халталар учун ғилофлар, иш асбоб-ускуналари учун сумкалар, спорт сумкалари, бутилкалар учун қутилар, заргарлик буюмлари учун қутича, упадонлар, кесувчи ёки шунга ўхшаш маҳсулотлар учун табиий ёки композицион чармлардан қилинган ғилофлар; қайишдан қилинган эгар маҳсулотлари ва барча хайвонлар учун абзаллар (шунингдек, постромкалар, тизмалар, тиззабандлар, тумшуқбоғлар, ёпинчиқлар, йиғилган халталар, ит ёпинчиқлари ва ўхшаш маҳсулотлар), ихтиёрий материаллардан тайёрланади; Кийим предметлари ва кийимга алоқадор табиий чарм ёки композицион чармлар | 4201 00 000 0**, 4202**,<br>4203** |
| 24. | Табиий чармдан қилинган ёнғин қутқарув камарлари | 4203 30 000 0 |
| 25. | Сунъий мўйна ва ундан таёрланган маҳсулотлар | 4304 00 000 0 |
| 26. | Темир йўл ёки трамвай йўллари учун ёғоч шпаллар; буриш стрелкалари учун ёғоч бруслар; пол, девор ва шифт учун ёғоч толали қопламалар ва шуларга ўхшаш қатрон (смола) билан тўйинмаган ёки тўйинган плиталар, елимланган фанер, фанер қопланган ва ёғоч қатламларидан қилинган (ёки ўхшаш материаллардан) панеллар | 4406, 4410*,<br>4411 12 900 0*<br>4411 13 900 0*<br>4411 14 900 0*<br>4411 92 900 0*<br>4411 93 900 0*<br>4411 94 900 0*<br>4412* |
| 27. | Емакхона ва ошхонага алоқадор ёғоч бочкалар, бочкачалар, чанлар, кадкалар ва бошқа бочка маҳсулотлари (озиқ-овқат маҳсулотлари билан алоқада бўладиган) | 4416 00 000 0*,<br>4419* |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| 28. | Табиий пўкаклардан қилинган маҳсулотлар | 4503 10* |
| 29. | Гигиеник қоғоз маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотларини фильтрлаш ва қадоқлашда ишлатиладиган қоғоз ва картон, папирос қоғози, гулқоғоз, озиқ-овқат маҳсулотлари учун қоғоз идишлар ва патнислар, тухумларни қадоқлаш учун қутилар | 4803 00, 4805 30, 4805 40 000 0, 4806, 4812 00 000 0*, 4813*, 4814*, 4818*, 4819*, 4823 20 000*, 4823 61 000 0, 4823 69*, 4823 70 100 0 |
| 30. | Кундаликлар; дафтарлар; босма китоблар, брошюралар, варақалар ва ўхшаш босма материаллар, брошюраланган ёки алоҳида варақ кўринишида; болалар учун расм-китоблар, расм чизиш ёки бўяш китоблари; расмлар билан ёки расмларсиз, реклама материалларига эга ёки эга бўлмаган газеталар, журналлар ва бошқа даврий маҳсулотлар | 4820 10 500 0*, 4820 20 000 0*, 4901 10 000 0 - 4901 99 000 0, 4903 00 000 0, 4902 10 000 0 - 4902 90 000 0 |
| 31. | Ипак ипидан ёки ипак қолдиғидан газлама | 5007 |
| 32. | Тароқ билан йигирилган ипак тўқимадан газламалар, ҳайвонларнинг ингичка ёки қалин толасидан тароқ билан йигирилган ипдан газламалар | 5111, 5112, 5113 00 000 0 |
| 33. | Зиғир толали газлама; жутдан олинган тола ёки 5303 товар позициясидаги бошқа пўстлоқ толалари; бошқа ўсимлик толалардан қилинган газлама; қоғоз йигирилган ипдан газламалар | 5309 - 5311 |
| 34. | Синтетик комплекс ипдан газламалар, шу жумладан, 5404 товар позицияси материаллардан ишлаб чиқарилган газламалар; сунъий комплекс ипдан газламалар, шу жумладан, 5405 товар позицияси материаллардан ишлаб чиқарилган газламалар | 5407 - 5408 |
| 35. | Пахта толаси, пахта толасидан газламалар | 5201 00*, 5203 00 000 0*, 5208* - 5212* |
| 36. | Оғирлиги 85 % ёки ундан кўп ушбу толалардан ташкил топган синтетик толали газламалар; ушбу толаларнинг оғирлиги 85 % дан кам бўлган синтетик толали газламалар, асосан ёки мустасно сифатида пахта толаси билан аралаштирилади, сирт зичлиги 170 $g/m^2$ дан ошмайди; ушбу толаларнинг оғирлиги 85 % дан кам бўлган синтетик толали газламалар, асосан ёки мустасно сифатида пахта толаси билан аралаштирилган, сирт зичлиги 170 $g/m^2$ дан ортиқ; бошқа синтетик толали газламалар; сунъий толали газламалар | 5512 - 5516 |
| 37. | Гигиеник мақсадларда ва тиббиётда фойдаланиш учун тўқимачилик материалларидан ва маҳсулотларидан тайёрланган пахта | 5601 21 - 5601 22 |
| 38. | Йигирилган ёки йигирилмаган газлама бўлмаган материаллар, қопламали ёки қопламасиз, қайта ишланадиган ёки қайта ишланмайдиган | 5603 |
| 39. | Арқонлар (фақат ўт ўчирувчиларни сақлаш учун фойдаланиладиган) | 5607 49 190 0* - 5607 90 900 0* |
| 40. | Тўқилган гиламлар ва бошқа тўқима пол қопламалари, тайёр ёки тайёр бўлмаган; гилам | 5701 - 5705 |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| | газлама ва бошқа полга тўшаладиган тўқима қопламалар, тафтингсиз ёки флокировкасиз, тайёр ёки тайёр бўлмаган, шу жумладан, «килим», «сумах», «кермани» ва қўлда тайёрланган ўхшаш гиламлар; гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган тафтингли тўқима қопламалар, тайёр ёки тайёр бўлмаган; гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган кигиз ёки фетрдан қилинган тўқима қопламалар, тафтингсиз ёки флокировкасиз, тайёр ёки тайёр бўлмаган; гиламлар ва бошқа полга тўшаладиган тўқима қопламалар, тайёр ёки тайёр бўлмаган | |
| 41. | Тукли газлама ва бахмал ипдан қилинган газлама; сочиқбоп пахмоқ газламалар ва ўхшаш пахмоқ газламалар, тафтинг қилинган тўқима материаллар; эшиб тўқилган газламалар; тюль ва бошқа тўрсимон мато, тўқилган матолар бундан мустасно; тўпдаги тўр, тасмалар ёки алоҳида орнаментлар турида; Бельгия, обьюссон, бовэ туридаги қўлда тўқилган гобеленлар ва ўхшаш гобеленлар ва гобеленлар, кашта игналари (мисол учун, ироқи, крест шаклидаги), тайёр ёки тайёр бўлмаган; ингичка тўқилмаган газламалар, бириктирилган елимлаб уланиш (болдюк); металл иплардан газламалар ва 5605 товар позициясидаги кийимларда ишлатиладиган металл билан ишлов берилган иплар, мебелбоп газлама сифатида ёки ўхшаш мақсадларда, бошқа жойда келтирилмаган ёки қўшилмаган; юмшоқ қатлам билан тикиш ёки бошқа усуллар орқали уланган бир неча тўқима материаллар қатламидан иборат бўлакдаги қавилган тўқима материаллар | 5801 - 5803,<br>5809 00 000 0,<br>5811 00 000 0 |
| 42. | Пластмассага тўйинган, қопланган ёки бир-бирини такрорлайдиган тўқимачилик материаллари; резиналанган тўқимачилик материаллари | 5903, 5906 |
| 43. | Линолеум, тўқимачилик материаллари асосидаги полга тўшаладиган қопламалар | 5904 |
| 44. | Ёнғин босим шланглари | 5909 00 100 0*,<br>5909 00 900 0* |
| 45. | Машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж тукли матолар, шу жумладан, узун тукли матолар ва пахмоқ матолар; эни 30 см дан кўп бўлмаган, 5 % ёки ундан кўп эластик ёки резинали ипларни ўз ичига олган машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолар; эни 30 см дан кўп бўлмаган, 5 % ёки ундан кўп эластик ёки резинали ипларни ўз ичига олган машинада ёки қўлда тўқилган трикотаж матолар; асосда тўқилган матолар (шунингдек, галунларни тайёрлаш учун трикотаж машиналарида тўқилган); машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж матолари | 6001, 6004-6006 |
| 46. | Эркаклар ёки ўғил болалар учун пальтолар, калта пальтолар, ёпинғичлар, плашлар, | 6101*, 6102*, 6103*, 6104*, 6105-6109,<br>6110*, 6111, 6112*, 6113*, 6114*, 6115, |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| | курткалар (шунингдек, чангиларга оид), ветровкалар, штормовкалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар, машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлар; аёллар ёки қиз болалар учун пальтолар, аёлларнинг калта ёпинғичлари, плашлар, курткалар (шунингдек, чангиларга оид), ветровкалар, штормовкалар ва ўхшаш маҳсулотлар, машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлар; эркаклар ёки ўғил болалар учун костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блайзерлар, шимлар, кўкракпеч ва елка тасма билан комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари) машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлар; аёллар ёки қиз болалар учун костюмлар, комплектлар, жакетлар, блайзерлар, кўйлаклар, юбкалар, юбка-шимлар, шимлар, кўкракпеч ва елка тасма билан комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари) машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлар; эркаклар ёки ўғил болалар учун кўйлаклар машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлардан; эркаклар ёки ўғил болалар учун кальсонлар, трусиклар, тунги кўйлак, пижамалар, чўмилишдан кейин кийиладиган халатлар, уйда кийиладиган халатлар ва ўхшаш маҳсулотлар, машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлар; аёллар ёки қиз болалар учун комбинациялар, пастки юбкалар, трусиклар, панталонлар, тунги кўйлаклар, пижамалар, пеньюарлар, чўмилишдан кейин кийиладиган халатлар, уйда кийиладиган халатлар ва ўхшаш маҳсулотлар, машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлардан; майкалар, енгли фуфайкалар ва бошқа ички фуфайкалар машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлардан; свитерлар, пуловерлар, кардиганлар, жилетлар ва ўхшаш маҳсулотлар машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлардан; болалар кийимлари ва болалар кийимларига керакли нарсалар, машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлар; спорт, чанғичилар ва чўмилиш кастюмлари машина ёки қўлда тўқилган трикотаж маҳсулотлардан; 5903, 5906 ёки 5907 товар позицияларидан машина ёки қўлда тўқилган трикотаж матодан кийим предметлари; машина ёки қўлда тўқилган трикотаждан бошқа кийим предметлари; колоткалар, чулкилар, гольфилар ва подследниклар ва бошқалар, пайпоқ маҳсулотлари, тақсимланган босим билан компрессияли пайпоқ маҳсулотлари (масалан, веналарнинг варикоз кенгайишидан қийналаётганлар учун) ва тагликсиз оёқ-кийим, машина ёки қўлда тўқилган трикотаждан; машина ёки қўлда тўқилган трикотаждан | 6116* |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| | қўлқоплар, митенкалар; машина ёки қўлда тўқилган трикотаждан бошқа тайёр кийимларга керакли нарсалар; машина ёки қўлда тўқилган трикотаждан кийим қисмлари ёки кийимларга керакли нарсалар | |
| 47. | Пальто, калта пальто, накидкалар, плашлар, курткалар (шунингдек, чанғичиларга оид), ветровкалар, штормовкалар ва ўхшаш маҳсулотлар эркаклар ёки ўғил болалар учун; пальто, калта пальто, накидкалар, плашлар, курткалар (шунингдек, чанғичиларга оид), ветровкалар, штормовкалар ва ўхшаш маҳсулотлар аёллар ёки қиз болалар учун; эркаклар ёки ўғил болалар учун костюмлар, комплектлар, пиджаклар, блайзерлар, шимлар, кўкракпеч ва елка тасма билан комбинезонлар, бриджи ва шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари) эркаклар ёки ўғил болалар учун; аёллар ёки қиз болалар учун костюмлар, комплектлар, жакетлар, блайзерлар, кўйлаклар, юбкалар, юбка-шимлар, шимлар,кўкракпеч ва елка тасма билан комбинезонлар, брижи шортилар (чўмилиш кийимидан ташқари); эркаклар ёки ўғил болалар учун кўйлаклар; аёллар ёки қиз болалар учун блузкалар, блузкалар ва блузонлар; эркаклар ёки ўғил балалар учун майкалар ва бошқа ички фуфайкалар, кальсонлар, трусиклар, тунги кўйлак,пижамалар, чўмилишдан кейин кийиладиган халатлар, уйда кийиладиган халатлар ва ўхшаш маҳсулотлар; аёллар ва қиз болалар учун майкалар ва бошқа ички фуфайкалар, комбинациялар, пастки юбкалар, трусиклар, панталонлар, тунги кўйлаклар, пижамалар, пеньюарлар, чўмилишдан кейин кийиладиган халатлар, уйда кийиладиган халатлар ва ўхшаш маҳсулотлар; болалар кийимлари ва болалар кийимларига керакли нарсалар; 5602, 5603, 5903, 5906 ёки 5907 товар позицияли материаллардан ишлаб чиқарилган кийимлар предметлари; спорт, чанғичилар вачўмилиш кастюмлари; бошқа кийимлар предметлари; бюстгальтерлар, белбоғ, корсетлар, тортгичлар, боғичлар ва ўхшаш маҳсулотлар ва уларнинг машина ёки қўлда тўқилган трикотажёки нотрикотаж қисмлари; рўмоллар; шолрўмол, шарфлар, кашнелар, мантильялар, енгил шаффоф газламалар ва ўхшаш маҳсулотлар; бўйинбоғлар, бабочка-бўйинбоғлар ва бўйин рўмоли, қўлқоплар ва митенкалар; бошқа тайёр кийимларга керакли нарсалар; кийимлар қисмлари ёки кийимларга керакли нарсалар | 6201*, 6202*, 6203*, 6204*, 6205-6209, 6210*,6211*, 6212, 6213*, 6214*, 6215*, 6216* |
| 48. | Чойшаб, ётаржой, емакхона, хожатхона ва ошхона чойшаблари; ўт ўчирувчилар учун газламадан тайёрланган қутқарув пояслари, | 6302, 6305, 6307 20 000 0, 6307 90 980 0** |

ҚММБ: 09/21/683/1051-сон
16.11.2021 й.



| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
| | спорт учун тўқимачилик байроқлари | |
| 49. | Оёқ кийим ва ўхшаш маҳсулотлар (фақат тайёр оёқ кийим) | 6401 - 6405 |
| 50. | Ёнғин каскалари ва шлемлари;<br>Спорт учун бош кийимлар | 6506 10 (улардан 6506 10 800 0*),<br>6506 91 000 0* |
| 51. | Панеллар, плиталар, минерал боғловчи моддалар билан алгомерланган плиткалар, гипсли плиталар ва панеллар, цемент, бетон ва асбоцемент маҳсулотлари, тормоз накладкаси, темир-бетон шпаллар ва темир-бетон стрелкали бруслар | 6808 00 000 0*, 6809*, 6810, 6811*, 6813 20 000 0 (фақат тормоз колодкалари накладкалари)*,<br>6813 81 000 0* |
| 52. | Сопол маҳсулотлар (ғиштлар, блоклар, плиталар, сопол қувурлар, поллар ва печкалар учун плиталар, лаборатория сопол идиши, ванналар, раковиналар, унитазлар, емакхона ва ошхона идишлари) | 6901 00 000 0*, 6902, 6903*,<br>6904, 6905*, 6906 00 000 0*, 6907*,<br>6909, 6910*, 6911*, 6912 00* |
| 53. | Автотранспорт воситалариучун хавфсиз шиша, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дориларни қадоқлаш учун шиша идиш, емакхона ва ошхона идишлари, лаборатория, гигиеник ва фармацевтик вазифалар учун шиша идиш | 7007*, 7008 00*, 7010,<br>7013*, 7017 |
| 54. | Кенглиги 600 мм дан кам ёки кўп бўлган темир ёки легирланмаган пўлатдан текис прокат, иссиқлайин ёйилган, совуқлайин ёйилган (совуқ ҳолда сиқилган), қопланган ёки қопланмаган, галваник ёки бошқа қоплама билан ёки у сиз; темир ёки легирланмаган пўлатдан эркин ўралган бухталардаги иссиқлайин ёйилган чивиқлар; Фақат болғалаш, иссиқ прокатлаш, иссиқлигича чўзиш ёки иссиқлигича экструдерлаш йўли билан ва кейинчалик ишлов беришсиз темир ёки легирланмаган пўлатдан чивиқлар; темир ёки легирланмаган пўлатдан бошқа чивиқлар; темир ёки легирланмаган пўлатдан бурчаклар, шаклдор ва махсус профиллар: швеллерлар, қўштаврлар ёки кенг токчали қўштаврлар, бурчак профиллари, таврли профиллар, бурчаклар, шаклдор ва махсус профиллар, c-, z-, омегасимон ёки туташтирилмаган профиллар, профилланган (қовурғали) листлар; темир ёки легирланмаган пўлатдан сим; қуймалар ёки бошқа бирламчи шаклдаги коррозияга барқарор пўлат; коррозияга барқарор пўлатдан ярим тайёр маҳсулотлар; кенглиги 600 мм дан кам ёки кўп бўлган коррозияга барқарор пўлатдан текис прокат; коррозияга барқарор пўлатдан бухталарга эркин ўралган, иссиқлайин ёйилган чивиқлар; коррозияга барқарор пўлатнинг бошқа турларидан чивиқлар; коррозияга барқарор пўлатдан бурчак, шаклдор ва махсус профиллар; коррозияга барқарор пўлатдан сим; қуймалар ёки бошқа бирламчи шаклдаги легирланган пўлатнинг бошқа турлари, легирланган пўлатнинг бошқа турларидан ярим тайёр маҳсулотлар; кенглиги 600 mm дан кам | 7208*, 7209*, 7210*, 7211*,<br>7212*, 7213-7217, 7218*, 7219*,<br>7220*,7221*,7222*,7223*, 7224*,<br>7225*, 7226*, 7227*, 7228*, 7229* |

| т/р | Номи | ТИФ ТН коди |
|---|---|---|
